O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 17 август, чоршанба • № 66 (11.765) • Эркин нархда сотилади

Ёшлар ҳамиша жамият равнақининг етакчи, ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб келган. Шу боис мустақилликка эришилгач, Ўзбекистон ҳам ўз тараққиётини ёшлар тарбияси билан боғлади ва навқирон авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш вазифасини устувор йўналиш сифатида белгилади.

Мустақилликнинг 14 йиллиги

ЯНГИ АВЛОД КАМОЛИ

Ёшлар учун ҳар соҳада шарт-шароитлар яратилиб, йигит-қизларнинг илм олиш, касбларни эгаллаш, ўз иқтидорини намоён этишга бўлган интилишлари қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, ёшларда Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик туйғуларини ривожлантириш мақсадларида ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар кўлами кенгаймоқда.

Бугун вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларини айлансангиз, кўплаб замонавий бинолар қалбингизни қувонтиради. Булар — мактабгача тарбия муассасалари, лицейлар, коллежлар. Ўзининг ёрқин, умидли келажагини билимдон, ташаббускор, ғайрат-шижоатли йигит-қизларнинг вояга етишида кўрувчи жамиятгина болалар учун мана шундай шинам, ҳашаматли саройлар барпо эта олади.

Миллий урф-одатларимизни, анъаналаримизни ўзида мужассамлаштириш ёшларимиз тимсолида ўтмишни келажак билан боғлаш имконини очаяпти.

Шу ўринда эътироф этиш керакки, илмий-ижодий, бадиий-ғоявий, миллий-анъанавий эстетика, юксак ватанпарварлик жиҳатлари уфуриб турувчи навқирон зиёлилар, ҳунармандлар, ишчилар ва деҳқонлар авлоди етишиб келмоқда. Улар иштиёқ, интилиш билан яшамоқдалар, тараққиёт, юксалиш сари дадил қадам ташлаб, илмий-маданий меросимизни, миллий қадриятларимизни бойитишга, уларни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Хусусан, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Баркамол авлод» номини олган мусобақаларни биз Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизнинг яна бир саҳифаси, янги давлат, янги жамият қуриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш йўлидаги орзу-интилишларимизнинг ёрқин намунаси, деб биламиз». Дарҳақиқат, мана шу спорт мусобақалари бугунги кунда ўсмир йигит-қизларимизни ҳар томонлама чиниқтириб, дунёга танитмоқда. Уларнинг бутун интилишларини рўёбга чиқариб, истеъдодларини тўла намоён этишларига кенг йўл очмоқда. Бунга биз яқинда Чирчиқ шаҳрида ўтган ушбу спорт мусобақаларида яна бир карра амин бўлдик.

— Мавжудлик ва ҳаётийлик — бу ҳаракат демакдир, — деган эди суҳбатларнинг бирида Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, Қибрай академик лицейи ўқувчиси София Бермагамбетова. — Қадим файласуфларнинг ушбу дурдона фикрлари бугунги кунда ҳам айни ҳақиқатдир. Ҳаётимнинг ширин ташвишлари, эзгу мақсадларим мени шу даражага етказган бўлса ажаб эмас.

Ҳа, истиқлолнинг бугунги тенгдошлари ҳар соҳада Ватан олдидаги бурчларини тўлақонли англаб етмоқдалар. Ва, буни ҳозиржавоблик билан исбот этишга ўзларини тайёрламоқдалар.

Хусусан, кейинги йилларда, баркамол авлодни вояга етказишдек масъулиятли палла кечаётган пайтда, янги ҳаёт, янги жамият қуриш жараёнида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати юзага келди. Ушбу ҳаракат бугунги кунда ёшларнинг куч-ғайратини, интеллектуал салоҳиятларию касб малакаларини сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий, спорт ва халқаро фаолият соҳаларида Ватан равнақи учун йўналтирмоқда.

Ёшларнинг ўзини ўзи бошқарадиган нодавлат, нотижорат бу ташкилоти ўз аъзолари қалби ва онгига «Ватан менга нима берди?» деб эмас, «Мен ўз халқим, Ватаним учун нима қилмоқдаман?», деган ҳақиқатни сингдира бориб, жамоат ташкилотлари қаторида ўз мавқеи ва ўрнига эга бўла олди.

Ҳозирги кунда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ҳаракатнинг бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Унинг 1626 та бошланғич ташкилоти 528 мингдан зиёд йигит-қизларни бирлаштириб, миллий истиқлолни мустаҳкамлаш, мустақилликни кўз қорачиғидай авайлаб-асраш мақсад-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Умумхалқ хайрия ҳашари

КЎЧАЛАР САРАНЖОМ, ХИЁБОНЛАР САРИШТА

Вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида 13-14 август кунлари мустақиллигимизнинг 14 йиллигига бағишланган умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. Ҳар қандай тўй-томоша, маърака олдидан энг аввало, турар-жойлар, кўчалар, хонадон ва иш жойларини ободонлаштириш, бу ишларда бир тан, бир жон бўлиб уюшқоқлик билан меҳнат қилиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий одатдир.

Шу кунларда ҳашарга чиққан 2 миллиондан зиёд вилоятимиз аҳолиси томонидан 2800 гектар ер ободонлаштирилиб, 1700 километр ариқ ва зовурлар тозаланди. Айниқса, майдонлар ва хиёбонларни тартибга келтириш, дарахтларга шакл бериб, оқлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Бир қанча уйлар ҳашар йўли билан таъмирланди. Албатта, бу ишларни бажаришда зарур техника воситалари билан таъминлаб турган корхоналар хизматини, кичик ва ўрта бизнес вакилларининг фаол иштирокини, Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ, Бекобод, Зангиота, Қибрай, Юқоричирчиқ, Янгийўл, Тошкент каби шаҳар ва туманларда ҳашарнинг кўтаринки руҳда, уюшқоқлик билан ўтказилганлигини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, ҳашар кунлари, вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан 5 минг нафар кам таъминланган оилаларга 24 миллион сўмлик моддий ёрдам ажратилди. Умуман олганда, улуғ байрам олдидан ўтказилган катта ҳашар натижасида хонадонлар обод, кўчалар, майдонлар ва хиёбонлар ямяшил, саранжом-сариштa бўлди, байрамона кайфият ҳар қадамда сезилиб турибди.

Сайёра РИХСИЕВА.



«ТОШКЕНТ ТЕЛЕКОМ»: ҲАР БИР ҲУДУДГА ЗАМОНАВИЙ АЛОҚА ВОСИТАСИ

Бугунги кунда нафақат халқ хўжалигининг устувор тармоқлари, балки, мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ривожини телекоммуникация воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Замонавий тезкор алоқа тизимларини кенг кўламда тараққий эттирмай туриб, иқтисодиётни бозор муносабатлари талаблари асосида жадал ривожлантиришга эришиш мумкин эмас.

Шуни ҳисобга олган «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Тошкент Телеком» филиали телекоммуникация тармоқларини аниқ режа асосида ривожлантириб ва такомиллаштириб бориш мақсадида бир қанча устувор лойиҳаларни босқичма-босқич амалга оширишни белгилаган эди.

Ўтган даврда JBIC лойиҳасининг биринчи босқичи бўйича филиалнинг 13 та объектида, жумладан, Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон, Келес, Ғазалкент, Чирчиқ, Қибрай, Паркент, Янгийўл, Қизилтоғ, Зангиота, Тўйтепа телекоммуникациялар боғламаларида узатиш тизимлари ўрнатилиб, шаҳар ва туманлар оралиғида 287 километрдан узунроқ масофада оптик толали кабель линияси қурилди. Ҳозирги кунда эса, JBIC лойиҳасининг иккинчи босқичи бўйича Тўйтепа, Пскент, Бўка, Зафар, Бекобод, Ғазалкент, Чорвоқ йўналиши оралиғидаги 122 километр узунликда оптик толали кабель линияси қурилиши ҳам охирига етказилди.

Шу йилнинг биринчи чорагида «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ҳамда ZTE корпорацияси билан имзоланган шартномага мувофиқ Паркент туманидаги Номданак қишлоғи ва Қизилтоғ шаҳарчасида умумий қуввати 2500 рақамли коммутацион станция ўрнатилди. Ушбу лойиҳа ижроси бўйича 166 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Лойиҳанинг иккинчи босқичига киритилган Чиноз, Дўстобод, Оққўрғон, Бўка, Пскент, Зафар, Бекобод, Чорвоқ объектларида узатиш тизими ва рақамли коммутацион станция қурилмаларини жойлаштириш учун хоналарни таъмирлаш ишлари махсус режа-жадвал асосида олиб борилди.

2005 йил режасига Хитойнинг Эксимбанки кредити ҳисобига 41456 та рақамга эга бўлган рақамли коммутацион станцияни қуриш ҳам киритилган эди. Шунга мувофиқ Хитой компанияси (HUAWEI) ишчи гуруҳлари Ангрен, Оҳангарон, Олмалиқ, Чорвоқ, Бекобод, Зафар, Бўка, Оққўрғон, Дўстобод ва бошқа жойларда бўлиб, лойиҳа бўйича иш олиб борди. Натижада шартнома имзоланиб, қурилмаларнинг август-сентябрь ойларида етиб келиши кутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да Мустақиллик байрамига бағишланган анъанавий «Ўзбекистонда тайёрланган» кўргазма-ярмаркаси очилди. Унда мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилган экспортбоп маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

Мамлакатимизнинг экспорт ва инвестиция салоҳияти электр техника, кимё, озиқ-овқат, тўқимачилик, самолётсозлик, автомобилсозлик, қурилиш саноати каби илғор тармоқлар стендларида намойиш этилмоқда. Кўргазма иштирокчилари орасида Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, «Ўзбекнефтгаз», «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг», «Файз» холдинг компаниялари, «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти, «ТТЗ» очиқ ҳиссадорлик жамияти, «ЎзДЭУавто», «ЎзКейсмаш», «Совпластитал» қўшма корхоналари ҳам бор.

Экспозиция марказий павильон олдидаги майдончадан бошланади. Бу ердан «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг бири-биридан гўзал ва қулай «Нексия», «Ласетти», «Матиз», «Дамас» автомобиллари, уларнинг ёнидан «СамКочавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган юк машиналари ҳамда микроавтобуслар, «ТТЗ» очиқ ҳиссадорлик жамияти, «Агрегат заводи», «ЎзКейсмаш» қўшма корхонасида тайёрланган тракторлар, сеялкалар, бороналар, пуркагичлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникалари жой олган.

Шубҳасиз, кўргазмада намойиш этилаётган турли хил маҳсулотлар Ўзбекистоннинг ишбилармон доиралари ҳамда хорижликларда катта қизиқиш уйғотади ва улар ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатларининг янада ривожланишига ёрдам беради.

В.НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири.

Изчил ислоҳотлар йўлида

ГАП ЁШДА ЭМАС

Эндигина 22 баҳорни қаршилаган пскентлик Муаттар Музаффархонова тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, оиласининг тумандошларининг корига ярамоқда, ишсиз хотин-қизларни иш билан таъминламоқда.

Муаттар ёшлигидан чеварликка қизиқди. Қизларидаги қобилиятни кўриб, отаонаси уни мактабни битиргач, тикувчига шогирдликка беришди. Шундан сўнг у Марказий офицерлар уйида очилган тикувчилик курсида икки йил давомида касб сирларини ўрганди. Йўл-йўлакай ҳайдовчилар тайёрлаш курсида, элита пардалар тикишни ўрганиш учун «Моҳир қўллар» ўқув марказида ҳам таҳсил олди. Бир дунё назарий ва амалий билимлар билан қайтган қиз кўрганбилганларини ҳаётга татбиқ этишга киришди. Ўзини синаб кўриш учун ўз хонадонида 3-4 нафар қизни ёнига олиб, тикувчилик билан шуғуллана бошлади.

— Тажрибам секин-аста орта бориб, фаолиятимни бошқа кенгроқ йўналишда давом эттиришга ахд қилдим, — дейди тадбиркор. — Шундан сўнг отамнинг маслаҳати ва кўмагида «Ўғилхон-автодизайн» хусусий корхонасини очдик.

Ҳозирги кунда корхонада асосан 15 турдаги тўй ва базм кўйлаклари, халатлар тикилиб, сотувга чиқарилмоқда. 5 дона тикув ва тўқув машинаси, безакли чок тикиш ускунаси ва бошқа зарурий анжомлар қизларнинг меҳнатини енгиллаштирмоқда. Бугун 10 нафар ёш қиз иш билан таъминланган. Ишга янги келганлар дастлаб 3 ой давомида касбни ўқиб-ўрганишади. Шундан сўнггина мустақил ишлашга ўтишади.

— Мен бир нарсага хурсанд бўлдим, — деди М. Музаффархонова. — Фаолиятимни бошлашим Юртбошимизнинг тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган янги Фармони эълон қилинган паллага тўғри келди. Бу эса мен каби ёш тадбиркорларнинг бемалол, эмин-эркин фаолият юритишларига йўл бермайдиган тўсиқларни олиб ташлайди. Ҳали иш бошламасингдан ноқонуний текширтекширлар, соҳага тегишли ёки тегишли бўлмаган ташкилотлар томонидан талаб қилинувчи ҳужжат ва ҳисоботлар энди тадбиркорларнинг бошини қотирмайдиган бўлди.

Тадбиркорнинг ниятлари холис. У келгусида корхонанинг фаолиятини кенгайтириб, енгил автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш, уларнинг ўриндиқларига жилдлар тикиш, мой алмаштириш, ёнилғи қуйиш шахобчаларини очиш, сартарошхона, келинлар кўйлагини тикиш салонлари фаолиятини йўлга қўймоқчи. Агар бу режалар амалга ошса, яна 40-50 нафар киши иш билан таъминлади.

Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ БОШЛАНДИ

Пойтахтимизда ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашлари бошланди. «Давлат умуммиллий дастури – менинг дастурим» мавзуида ўтаётган ушбу тадбирлар Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга бағишланган.

Дастурда таълим мазмунини юксалтириш ва ўқувчилар билим самарадорлигини ошириш, аввало, дарсликлар таъминоти, янги авлод дарсликлари ҳамда ўқув қўлланмаларини яратиш ҳамда Давлат таълим стандартларини янада такомиллаштириш кўзда тутилган. Шу мақсадда умумий ўрта таълимнинг таянч ўқув режасидаги барча ўқув фанлари бўйича Давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилди.

ЎзА.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

«КЎНГЛИМ ГАВҲАРИСАН, ВАТАН!»

Юқоричирчиқ туманидаги Алишер Навоий номли марказий кутубхонада ўтказилган адабий кеча ана шундай номланди.

Анжуманда «Нуроний», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими фаоллари, коллеж талабалари, кўп сонли китобхонлар жам бўлишди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Солиҳ Ёқубов, ёш адиб Зоир Зиё, шоирлар Темур Убайдулло, Шавкат Туроб, Собир Олимжон, Бўронбек Қидиров ва бошқалар ўн тўрт йил ичида Ватанимизда юз берган улкан ўзгаришлар, истиқлол қадри, уни янада мустаҳкамлаш, кишиларимиз онгидаги янгиланишлар ҳақида сўзладилар, шоирлар ўзларининг мустақиллика бағишланган янги шеърларидан ўқиб бердилар.

Ўз навбатида кутубхона мудираси Дилбар Абдукаримова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимининг раиси, Латифжон Мансуров туманда истиқлолнинг 14 йиллиги арафасида амалга оширилаётган юмушлар хусусида, ёшларимиз олдида турган вазифалар ҳақида сўз юритдилар.

Ўз мухбиримиз.

ҚУТЛУҒ САНАГА БАҒИШЛАНДИ

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида республика мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган оммавий йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.

Шундай тадбирларнинг бири Ангренда ташкил этилди. Унда энг қутлуғ байрамимизнинг моҳияти, аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий онгини ошириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳақида қизиқарли суҳбат бўлди. Йиғилишда шаҳардаги маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва қатор бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари, фаол фуқаролар қатнашдилар.

Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси А. Гадойбоев, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи М. Одилов сўзга чиқиб, йиғилганларни қизиктирган барча саволларга атрофлича жавоб бердилар.

Мунира ИСАЕВА.

ҒОЛИБЛАР ОЛИМПИАДАГА БОРАДИ

Тошкент вилоятида эркин кураш бўйича 1988-89 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди.

Ушбу беллашувларда қозоқ ва озарбайжон миллий маданий марказлари жамоалари, Тошкент шаҳар ва вилоятидаги қатор клубларнинг 120 дан ортиқ спортчилари 29 килограммдан 85 килограммгача бўлган вазн тоифаларида ўзаро беллашишди.

Мусобақада 2008 йил Хитойда бўлиб ўтадиган Олимпиадада қатнашиш учун энг тажрибали спортчилар саралаб олинди ва улар тайёргарлик машғулотларини ўтайди.

«Туркистон-пресс».

«МАҲАЛЛАМ ТИНЧ — МЕН ТИНЧ»

Ўртачирчиқ тумани маҳаллаларида «Маҳаллам тинч — мен тинч» мавзуида тадбирлар бўлиб ўтди. Унда жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда бугунги кунда дунёга, қолаверса, мамлакатимизга хавф солаётган терроризм, экстремизм каби иллатларнинг келиб чиқиши ва унинг оқибатлари ҳақида сўз борди. Хусусан, бундай йўлларга адашиб кириб қолаётган ёшлар маҳаллаларда назоратсиз қолиши, кўп ҳолларда улар ўзлари танлаган йўлнинг моҳиятини тушуниб етмаётганликлари, ён-атрофдаги кишилар ҳануз бепарво эканликлари таъкидланди. Шунингдек, ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш ва таълим олишга тўғри йўналтиришга доир фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Равшан РУСТАМОВ.

ЯНГИ АВЛОД КАМОЛИ

лари сари ҳаракатлантирмоқда.

Ўз истиқболли ҳаракат дастури асосида ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, турли муаммоларнинг ечилишига кўмаклашиш, касб-ҳунарга ўргатиш, ўқув кредитларини, мустақил тадбиркорлик билан шуғулланиш ва бошқа масалалар бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳақ-ҳуқуқлари тўла намоён этилувчи ҳуқуқий давлат асосларини яратишга кўмаклашиш кўламлари кенгайяпти. Шу йилнинг олти ойи давомида 1600 дан зиёд ишсиз ўсмир ёшлар «камолот»чилар кўмаги билан турли соҳаларга ишга жойлаштирилди. Шунингдек, юзлаб ёш тадбиркорлар, ўрта ва кичик бизнес субъектларига амалий ёрдам кўрсатилди. 245 иқтидорли, истеъдодли йигит-қиз ташкилий-молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланди, 83 нафар ўсмир имтиёзли, 33 нафари эса, бепул ўқитиляпти.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати йигит-қизлар ҳаётида ўз мавқеини эгаллашга улгурди, дедик. Бугун ушбу ҳаракат ёшларнинг ҳақиқий етакчиси, ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Унинг маҳаллий бўлимлари мамлакатимизда эркин демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг олдинги қаторларида бормоқдалар, ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириб, ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириб, жамиятимиздаги янгиланиш жараёнларида фаол қатнашмоқдалар. Бундан ташқари, вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, гиёҳвандлик, турли иллатларга қарши ҳамда диний-маърифий йўналишларда олиб борилаётган ишлар йигит-қизларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига катта ҳисса қўшмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида ёшларнинг навқирон куч-ғайрати, ташаббус ва изланиши бугун жамият тараққиёти ва равнақида тобора салмоқли ўрин эгаллаб, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга таянч ва суянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Истиқлол иншоотлари

Нурчилар шаҳарчаси — Нурободдаги қурилиши тугалланмаган уч корпусли бино айни пайтда «Фтизиатрия ва пульмонология» мажмуасига мослаштирилмоқда. Ўз йўналиши бўйича вилоятда ягона ҳисобланган бу мажмуани 159-қурилиш трести давлат акциядорлик жамиятининг 70-қурилиш бошқармаси қайта қурмоқда.

ТИББИЙ МАЖМУА БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Маълумки, Сиҳат-саломатлик йилида тиббиётнинг барча йўналишларини ривожлантириш Давлат дастури амалга оширилмоқда. Унда, шу жумладан, сил касаллигига чалинган беморларга барвақт ташхис қўйиш ва даволаш стратегиясини жорий этиш масаласи алоҳида қайд этилган. Бу вазифаларни амалга ошириш ҳамда республика Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 майдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда сил касалликларини даволашга ихтисослашган тиббий мажмуа қурилишининг бошланиши айни муддао бўлди.

Қурилиш-монтаж ишлари учун вилоят бюджетидан 3 миллиард 800 миллион, тиббий асбоб-ускуналарни харид қилиш учун эса 2 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Бош пудратчи ташкилот вакилларининг эътироф этишларича, бинонинг биринчи навбати 1 сентябрь — Мустақиллик куни, иккинчи навбати бир ойдан сўнг — 1 октябрга, учинчи навбати 1 ноябрга фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Қўшимча маъмурий-маиший бинолар қурилиши ҳам жадаллаштирилиб, мажмуа 2006 йилнинг 1 январида тўлиқ ишга туширилади.

— 500 ўринга мўлжалланган муассасамизнинг бир қисмида болалар бўлими ҳам фаолият кўрсатади, — дейди саломатлик мажмуаси бош шифокори М. Мирзаев. — Бу ерда асосан касалликнинг енгил тури билан оғриган беморлар даволанишади. Жарроҳлик бўлими ва бошқа хизмат кўрсатиш хоналари эса сўнгги замонавий жиҳозлар, ускуналар билан таъминланади.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

АТРОФ-МУҲИТ БЕҒУБОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Пойтахтимиздаги Сув таъминоти, канализация, гидротехник иншоотлар ва инженерлик гидрогеологияси (Сувгео) илмий-тадқиқот институтида бўлиб ўтган сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чиқиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш масалаларига бағишланган семинарда шу ҳақда гап борди.

Олимлар, мутахассислар, табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари бошқармалари вакиллари иштирок этган тадбирда юртимизда экологик вазиятни барқарорлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди, ижобий тажрибаларга эътибор қаратилди. Табиат муҳофазаси билан боғлиқ янги меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажариш билан боғлиқ чора-тадбирлар белгиланди.

ЎзА.

АВИАСАЛОНДА ЎЗБЕК САМОЛЁТЛАРИ

Россиянинг "Волга-Днепр" авиакомпанияси буюртмасига асосан тошкентлик авиасозлар томонидан ишлаб чиқарилган Ил-76ТД-90ВД лайнери ва Т-114 самолётларининг янги тўрт модели Москва яқинидаги Жуковский (шаҳарчаси)да очилган халқаро авиасалонда намойиш этилди.

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамияти бош директори Вадим Кучеровнинг таъкидлашича, янги самолётлар, айниқса, Ил-76ТД-90ВД самолёти авиасалон мутахассислари эътиборини жалб этди. Унга Россиянинг "Пермь мотор заводи" ОАЖ томонидан ишлаб чиқарилган ПС-90А-76 двигателлари ўрнатилган. Лайнерга, шунингдек, Санкт-Петербург ва Россиянинг бошқа қатор шаҳарлари мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган замонавий авионика ўрнатилган.

КИТОБ БЕПУЛ ТАРҚАТИЛАДИ

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ҳамда Республика Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси томонидан "Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун китобча шаклида чоп этилди.

Ушбу китобча Халқ таълими вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаси ҳамда бир қатор ташкилотларга бепул тарқатилди.

Бугунги кунда аҳоли ўртасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламда тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур китобча истеъмолчиларни ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида холисона тушунтириш олиб боришда яхши самара беради.

ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Ўртачирчиқ туман халқ таълими бўлимида услубий хизмат кўрсатиш жамоатчилик ресурс марказининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Унда вилоятимиз шаҳар ва туманларидан келган халқ таълими бўлими услубчилари, мактаб раҳбарлари, мактабгача тарбия муассасаларининг мудирлари иштирок этишди.

Улар марказда тўпланган бой дидактик материалларни қизиқиш билан кўздан кечиришди ва жиҳозланишига юқори баҳо беришди. Марказни ташкил этиш баробарида мактаблар фаолиятининг мониторинги ўтказилди ва унда узлуксиз услубий хизматни такомиллаштиришнинг ўн бир йўналиши қамраб олинди. Таҳлил натижалари бўйича тайёрланган услубий тавсияномаларда замонавий педагогик технологиялар асосида иш юритаётган энг илғор ўқитувчиларнинг тажрибаси ўз ифодасини топган. Яна шуниси диққатга сазоворки, услубий адабиётларни тайёрлашга ўқитувчилар ижодий ёндошишган.

Айни вақтда услубий хизмат марказлари Ангрен ва Оҳангарон шаҳарларида, Тошкент, Оққўрғон, Чиноз, Қибрай туманларида фаолият юритяпти.

Машкура ЗОҲИДОВА.

«ТОШКЕНТ ТЕЛЕКОМ»:

ҲАР БИР ҲУДУДГА ЗАМОНАВИЙ АЛОҚА ВОСИТАСИ

«Ист-Телеком» қўшма корхонаси билан ҳамкорликдаги лойиҳа бўйича «HUAWEI» компаниясининг 34 минг рақамга эга бўлган рақамли коммутацион станциясини монтаж қилиш ишлари жами 20 та объект, жумладан, Ғазалкент, Қибрай, Зангиота, Янгийўл, Чиноз, Пскент, Тўйтепа ва кўплаб қишлоқ АТСларида олиб борилмоқда. Бу ишлар сентябрь ойининг охирларида якунланади.

Бугунги кунга келиб «Тошкент Телеком» филиали жамоаси сафида 1480 дан зиёд ходим меҳнат қилмоқда. Жамият маъмурияти уларнинг касб малакаларини мунтазам ошириб боришга ҳаракат қилади. Масалан, кейинги тўрт йил давомида Хитойнинг «HUAWEI» компанияси мутахассислари мамлакатимизга ташриф буюриб, «Тошкент Телеком» ходимлари учун ўқув машғулотлар уюштирди.

Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини ривожлантириш лойиҳасининг иккинчи босқичи доирасида шиша толали алоқа линияларининг қурилиш-монтаж ишлари режалаштирилган эди. Японияннинг хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси томонидан молиялаштирилган ушбу объектда кабель линияларини қуриш ва узатиш тизимини монтаж қилиш мақсадида «Fujikuza» компанияси 15 августдан «Тошкент Телеком» филиали биносида беш кунлик ўқув курсини бошлади.

— Тармоқ ходимларининг билим ва малакаларини мунтазам ошириб бориш мақсадида турли касблар бўйича ўтказилаётган республика кўрик-танловларида бизнинг вакилларимиз фаол ва муваффақиятли иштирок этмоқдалар, — дейди «Тошкент Телеком» филиали директори Абдурашид Абдумўминов. — Жумладан, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раёсатининг қарори билан ўтказиладиган «Энг яхши электр монтёр» ва «Энг яхши кабелчи-пайвандчи» кўрик-танловига жиддий тайёргарлик кўрдик.

Кўрик-танловнинг республика босқичида муваффақиятли иштирок эта оладиган жамоани аниқлаб олиш мақсадида филиалнинг 18 та телекоммуникациялар боғламалари ўртасида уч босқичда ички танлов ўтказилди. Унда ҳар бири уч кишидан иборат бўлган 18 та жамоа таркибида жами 54 киши иштирок этди. Биринчи ўринни электр монтёр Н.Турғунбоев, кабелчи-пайвандчилар Х. Нажимов, Ш. Жўрабоевдан иборат Янгийўл телекоммуникациялар боғламаси эгаллади. Энди улар кўрик-танловнинг республика босқичида «Тошкент Телеком» филиали жамоаси шарафини ҳимоя қилишади.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
Даврон АҲМЕДОВ
(суратлар)
«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси рақобатни ҳимоялаш мақсадида

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

Агар сизнинг иш фаолиятингизга монополист корхоналар ва муайян товар бозорида катта улушга эга бўлган корхоналар турли кўринишларда тазйиқ ўтказса, уларнинг ўзаро келишувлари ва ноқонуний ҳаракатлари натижасида фаолиятингиз чекланса, улар билан шартномалар тузишда сунъий тўсиқларга дуч келсангиз, ўз навбатида давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишда чеклашлар жорий қилсалар, шартномалар тузишда рақобатчиларингизга устунлик берсалар, уларга атайлаб имтиёзли шароит яратсалар ёки сизнинг хўжалик фаолиятингизга ноқонуний равишда аралашсалар, ҳалол рақобатни чеклайдиган бошқа шунга ўхшаш ишларни амалга оширсалар, дарҳол Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Тадбиркорлик ва ишбилармонлик учун соғлом рақобат муҳитини яратиш ва уни ҳимоялаш — бош мақсадимиздир.

Биз сизнинг манфаатингизни ҳимоя қиламиз.

Бизнинг манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55.
Мурожаат учун телефонлар: 139-21-54, 139-21-24.

Ҳалол рақобат муҳитида фаолият юритишингиз қонун билан кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз

АСЛ МУДДАО НИМАДА?

Гоҳи кунлари даврадардаги суҳбат чоғи жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, ҳар турли гаплар хусусида фикрлашиб қоламиз. Гап айланиб, АҚШнинг Қашқадарёдаги Хонобод авиабазасида вақтинча жойлаштирилган қисмларини олиб чиқиб кетиш муаммоси теварагидаги шов-шувларга бориб тақалади. Очиғи, бундай фикр олишувлар чоғида одамларимизнинг чуқур мулоҳазаси, инсоний андишаси мени лол қолдиради. Шунда халқимизнинг қадимий меҳмондўстлик анъаналари қанчалик қутлуғлиги, улуғлиги хусусида ўйлаб қоламан.

Дарҳақиқат, керак вақтида, террорчиликка қарши баҳамжиҳат ҳаракатлар чоғида фойдаланиш учун бериб қўйилдими, Афғонистондаги фаол ҳарбий ҳаракатлар тўхтагач, ўртадаги келишувга биноан вақтинча киритилган ҳарбий қисмлар пайсалга солинмай, олиб чиқиб кетилиши керак-да, ахир. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан АҚШнинг Тошкентдаги элчихонасига Хонобод базасидан Америка ҳарбий контингентини олиб чиқиб кетиш борасида йўлланган нотада ҳамма жиҳатлар босиқлик билан баён этилган.

Йўқ, Ғарбнинг баъзи «сиёсатчилари» ва «шарҳловчилари» бу нотанинг мазмун-моҳиятини бирёқлама талқин қила бошлашди. Воқеаларни ўз манфаатларига мослаштириб талқин қилишдан асло чарчашмаётир. Улар ҳамма нарсани қориштириб, Ўзбекистон томонининг ҳақли талабини Андижон воқеалари билан боғлаб, жаҳон афкор оммасини турли ёлғон-яшиқлар билан чалғитмоқдалар. Эмишки, Америка раҳбарияти томонидан Андижон воқеалари муносабати билан Ўзбекистонга муайян тазйиқ ўтказишга уринишига жавобан мамлакатимиз раҳбарлари шундай талабни илгари сура бошлашган. Лекин Афғонистонда ҳарбий ҳаракатлар тугагандан кейин, мамлакатимизнинг ваколатли идоралари бир неча бора контингентни олиб чиқиб кетиш лозимлигини эслатишганлигини улар эътиборга олмаётирлар. Бу ўзига маъқулини қабул қилиб, номаъқулини инкор этишни касб қилиб олган буюк давлатчилик сиёсатининг ўзгинаси эмасми?

Биз шу кунларда мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Ўзбекистон суверен давлат эканлигини бутун халқаро ҳамжамият эътироф этиб, дипломатик алоқалар мустаҳкамланиб бораётган бир пайтда баъзи хорижий оммавий ахборот воситаларининг бундай шов-шув кўтаришларидан муддао нима?

Холмат ДУЙСЕНОВ,
меҳнат фахрийси,
Бўстонлиқ тумани.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ СОҒЛОМ ФИКРЛИ БЎЛСИН

Ўн тўрт йил тарих учун жуда оз фурсат. Лекин оддий бир ўқитувчи сифатида кузатганларим, буюк ўзгаришлар натижасида азиз Ватанимизнинг осмон қадар бўй чўзганлигидан қалбим фахр ва ғурурга тўлади. Баъзан, буюк мақсад йўлида учрайдиган айрим мушкулотлар қаршисида эсанкираб, йўлдан тойиб кетаётган маънавий қашшоқ, иродаси суст кимсаларни кўрганда дилим ранжийди.

Шундайларга қарата бор овозим билан: «Эй, инсон, оёғинг остига боқ, муқаддас заминнинг қадрини бил, мусаффо осмонга боқ, тинчлик, осудаликнинг шукрини қил!» дегим келади. Ахир оилада ҳам муаммолар туғилиб қолса, кўчага чиқиб жар солмаймиз-ку, оила аъзолари билан ҳал қилишга интиламиз. Нега энди Ватанимизда бўлаётган воқеаларга айрим ғараз ниятли чет эллик корчалонлар ўз қаричлари билан баҳо беришлари керак? Боз устига, бу баҳо ёлғон, уйдирмаларга асосланган бўлса?!

Сезган бўлсангиз, Андижон воқеаларини назарда тутиб шундай деяпман. Аслида ҳар қандай дарднинг давоси вақт дейишади. Лекин қанча-қанча бегуноҳ одамларнинг тинчини ўғирлаган, ҳаётини заҳарлаган Андижон воқеалари, унинг алами, асорати узоқ йилларга етиши аниқ. Шунинг учун, бузғунчилик, фитна, фасод уруғини сочувчи халқаро терроризм, унинг гумашталаридан огоҳ бўлиб, бизни елкасида кўтараётган она тупроқ, азиз Ватанимиз, оиламиз, азиз фарзандларимизни эҳтиёт қилайлик, доимо хушёр бўлишликка, вазиятга тўғри баҳо беришга ўргатайлик, дейман. Ахир, инсон фақат қорин тўйдириш учун яшамайди-ку!? Нима учун ёшларимиз чет эл ҳаётига ҳавас қилиб, тамшаниб яшашига йўл қўйиб бераяпмиз. Ялтироқ ҳаётга ружу қўяётган ёшлар, фарзандларимиз эртага арзимаган пул учун ўз Ватанига, ўзига, қавмига, ота-онасига хиёнат қилмайди, деб ким кафолат бера олади? Ҳар ерни қилма ўрзу, дейишади. Бу мақолнинг моҳиятини болаларимизга тушунтирайлик. Бунинг учун эртага мактаб бағрига қайтаётган болажонларнинг мурғак қалбига эзгулик уруғини экиб, юксак маънавиятимиз, улуғ қадриятларимиз ниҳолини парвариш этайлик. Шунда ўз бахтини ўзга юртлардан излаш ниятида кетаётган, оқибатда буд-шудидан, ўзлигидан, қадр-қимматидан айрилиб, хор-зор бўлиб қолаётганлар уволидан Яратганнинг ўзи асрайди.

Менинг фикрларим барчага бирдек маъқул бўлади, дейишдан йироқман. Аммо, бу дунёда ҳеч нарса бекордан бекор берилмаслиги, ҳар нарсанинг тўлови борлигини айтмоқчиман, холос. Шу ўринда бир воқеани айтиб ўтмоқчи эдим. Бир куни танишим ўғлини компьютер ўрганишга юбормоқчи эканлигини, ўқиш бепул эканлигини ҳаяжонланиб сўзлаб қолди. «Қандай яхши одамлар бор-а, бепул ўқитар экан...». Кўп ўтмай, она ҳаяжонланиб кириб келди: «Ҳа, текинга ўқитмай қолсин, нима эмиш, бепул ўқитишгани ҳақига уларнинг динини қабул қилиши керак эмиш...».

Шундай қилиб, у ўғлини бепул ўқитишга юбормади. Бунга унинг ғурури, эътиқоди йўл қўймагани аниқ.

Демак, фарзандларимиз қалбида миллий ғурур, Ватан шаъни деган тушунчаларни эътиқод мезонида шакллантириш биз ота-оналарнинг, ўқитувчиларнинг бурчи деб ҳисоблайман. Зеро, Ватанимиз битта, ягона. Уни ҳеч нарсага алишиб бўлмайди.

Гулнора ТУРДАЛИЕВА,
халқ маорифи аълочиси,
Ангрен шаҳри.

«Toshkent Regional trading» АК

ўзининг дўкон, омборлари орқали кенг ассортиментдаги «Самарқанд» чойларини пул ўтказиш ва нақд пулга сотади:

Тошкент ш. «Марказий омборхона» (Т.136-14-14)
Ангрен ш. 1-дўкон (Т. 8-266-26-158)
Оҳангарон ш. 4-дўкон (Т.8-264-56-354)
Олмалиқ ш. 22-дўкон (Т. 8-261-33-545)
Чирчиқ ш. 3-дўкон (Т. 8-271-53-073)
Чиноз тумани, Олмазор қўрғони, 11-дўкон (Т. 110-94-72)
Бўка тумани, 16-дўкон (Т. 8-257-36-735)
Ўртачирчиқ тумани, Туябўғиз омборхонаси
Юқоричирчиқ тумани, 2-дўкон (Т. 8-298-32-112)

Бу ўша — ўзимизнинг чой!

ФЕСТИВАЛЬ САНЪАТ САРИ ЙЎЛ ОЧДИ

Болалар ижоди Ўзбекистоннинг кўп қиррали маданиятида ўзига хос ўрин тутади. Бугунги кунда мамлакатимизнинг ёш созандалари, раққослари, хонанда ва мусаввирлари кўпгина нуфузли халқаро танловларда ғолибликни қўлга киритиб, Ўзбекистондан ташқарида ҳам танилмоқда. Бу эса Президентимиз Ислом Каримовнинг иқтидорли, билимли Ўзбекистон ёшларини ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги доимий ғамхўрлиги самарасидир.

Айнан шу мақсадда ўтказилаётган «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивалининг финал босқичи ва ғолибларнинг гала-концерти пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида бўлиб ўтди. Анъанага айланган мазкур фестиваль «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган.

Жорий йилда фестиваль бутун республикани қамраб олди. Унинг Самарқанд, Фарғона, Урганч ва Тошкентда бўлиб ўтган саралаш босқичларида яқин ҳудудларда яшовчи 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 700 дан ортиқ иқтидорли болалар иштирок этди. Улар вокал, хореография, мумтоз ва миллий чолғу асбобларида ижро этиш, шеърият, тасвирий ва амалий санъат бўйича ўз маҳоратини намойиш қилди. Мамлакатимизнинг таниқли маданият арбоблари болаларнинг ижодига баҳо берди. Ўз маҳоратини кейинчалик янада ошириш салоҳиятига эга бўлган энг қобилиятли иштирокчилар финал босқичига йўлланма олди.

Халқлар дўстлиги саройи ранг-баранг байроқлар ва фестиваль рамзи билан безатилган. Чунки бугун фестиваль иштирокчилари учун ҳам, уларнинг мураббийлари ва ота-оналари учун ҳам, қолаверса, барча санъат шайдолари учун ҳам катта байрам. Ёш артистлар навбат билан саҳнага чиқади. Улар катта ҳаяжон оғушида бўлишига қарамай, ўз маҳоратини дадиллик билан намойиш этмоқдалар. Тошкентлик Ихтиёр Абдуллаев катта иштиёқ билан афғон рубобида куй ижро этди, навоийлик Рушана Раҳмонова юксак маҳорат ва айни пайтда табиий бир назокат билан қўшиқ куйлади. Фестивалнинг 15 ғолибига совринларни топшириш вазифаси ўзбек эстрадасининг таниқли артистларига юклатилди, улар тақдим этган дастурлар эса болаларнинг жўшқин иштиёқи, асл иқтидорини янада кенг намоён этди.

«Янги авлод» фестивали аввал катта саҳнага чиқиш имкониятига эга бўлмаган иқтидорли ўғил ва қизлар орасидан кўпгина янги номларни кашф этди. Санъат йўли одатда анча машаққатли бўлади. Шу маънода, қобилиятли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг маҳоратини ошира бориш ва ўз санъати билан Ватанни мадҳ этишига ёрдам беришдек муҳим вазифани «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивали бажараётгани эътиборга сазовордир.

ЎзА.

ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ — ПОЙТАХТЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

Вилоят деҳқонлари пойтахт аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида шу йилнинг 1 августидан бошлаб шаҳар бозорларида савдо-ярмаркалари фаолиятини йўлга қўйди.

– Айни пайтгача пойтахтнинг Миробод, Бектемир деҳқон бозорлари ва унинг ўндан ортиқ шахобчаларига минг тоннага яқин қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилди, – дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бўлими бошлиғи Маъруф Айхўжаев. – Вилоятнинг Чиноз, Оққўрғон, Бекобод, Бўстонлиқ каби туманларидан келтирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорга нисбатан 30 фоизгача арзон нархларда сотиляпти.

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан деҳқонларнинг савдо қилиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Белгиланган режага кўра, бу йил пойтахтликлар дастурхонига 10 сентябргача икки минг тоннадан ортиқ маҳсулот етказиб берилади.

Л. СУВОНОВ, ЎзА мухбири.

ҲИСОБ АНИҚ — ИШ ТИНИҚ

«Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят кенгаши янги шароитларда ходимлар малакасини оширишга эътиборни кучайтиряпти.

Яқинда жамғарма маҳаллий бўлимлари ҳисобчилари йигирма соатлик дастур асосида ўқитилди. Улар солиқ ва солиққа тортиш қонунчилиги, ҳисобот сиёсати, бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисоботни шакллантириш ва турмушнинг илмий-амалий жиҳатларига бағишланган маърузаларни тинглашди.

Ўз мухбиримиз.

Август — пахтачиликда ҳал қилувчи ой

КУННИ ТУНГА УЛАБ



Адир ерларда экин экиб, ишлов бериб, мўл ҳосил етиштириш деҳқондан катта маҳорат ва тажриба талаб этади. Юқоричирчиқ туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги аъзолари ана шундай шароитда деҳқончилик қилишади. Бу ерлар яқин-яқингача сувсизликдан қақраб ётган қир-адирлардан иборат эди.

Инсон қўли гул, деганларидек, ана шу қир-адирлар тартибга келтирилиб, сув чиқарилди. Ғалла, пахта, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиришга киришилди, боғ-роғлар яратилди. Бу хайрли иш давом этмоқда.

Деҳқонлар илгари ҳам оилавий пудрат усулида ишлашарди-ю, лекин кўплар шартномага амал қилишмасди. Режани бажарган ҳам, бажармаган ҳам бирдек бўларди. Ўша пайтда бош ҳосилот бўлиб ишлаган Эрмамат Ҳакимов бундан воқиф бўлса-да, қатъий чора кўриш учун қўли калталик қиларди. Раис бўлиб сайлангач, энг аввало ишни ана шу нуқсонларга барҳам беришдан бошлади. «Шартнома бажарилиши керак, бошқа йўл йўқ», деган талабни барчага бирдек кўндаланг қўйди. Хўжаликдаги етакчи мутахассисларни жамоа аъзоларига адолатли назар билан қарашга даъват этди.

Қилинган меҳнат ўз самарасини берди. Ўтган йили хўжалик барча кўрсаткичлар бўйича йиллик шартнома режаларини ортиғи билан адо этди. Умумий даромад 245 миллион сўмдан ошди. Хўжаликнинг рентабеллик даражаси 32 фоизга кўтарилди.

Қир шароитида пахтачилик ҳам аста-секин ривожланиб бормоқда. Бу йил оилавий пудратчилар 125 гектар ерда пахта етиштиришяпти. Кейинги йилларда орттирилган тажрибалар пудратчилар ўртасида кенг оммалаштириб келинаётгани боис, бу йил ғўзанинг ривожи, ҳосил тўпланиши чакки эмас.

— Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасининг мамлакат фермерларига Мурожаатномасини бизнинг пудратчиларимиз ҳам қўллаб-қувватлаган ҳолда кутиб олдилар, — дейди хўжалик бош ҳосилоти Абдумавлон Умиров. — Мурожаатномада таъкидланганидек, биз айни кунларда асосий эътиборни суғориш, қатор ораларини юмшатиш, ҳосил зараркунандаларига қарши курашиш ва чеканкани давом эттиришга қаратмоқдамиз.

Дарҳақиқат, айни кунларда хўжалик сувчилари ва механизаторлари кунни тунга улаб меҳнат қилишяпти. Сувчилар ғўзани асосан тунда суғоришаётган бўлса, механизаторлар сувдан кейин етилган эгатларни вақтида юмшатишяпти. Шу билан бир вақтда ғўзанинг кун сайин ривожланаётган ён шохлари учини чилпиш давом эттирилмоқда. Ҳар бир картага бириктириб қўйилган кузатувчилар ҳосил қушандалари — кўсак қурти ёки ўргимчаккана пайдо бўлган жойларни аниқлаб, уларни тезда бартараф этиш чораларини кўрмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, хўжалик раҳбарлари ва мутахассислар ҳосил тақдирини ҳал қилувчи август ойида энг зарур агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этмоқдалар.

Иноғом ХОЛТУРСУНОВ.

СУРАТЛАРДА: *сувчи Турдиали Темиралиев; хўжалик бош ҳосилоти Абдумавлон Умиров пудратчи Фарҳод Холмуродовга навбатдаги тадбирлар юзасидан маслаҳат бермоқда.*

Собит ДОТТОЕВ олган суратлар.

Olamda nima gap?

СЎНГГИ КОЛОННА САФАРИ



РОССИЯ Грузиядан бу йил олиб чиқиб кетиши режалаштирилган ҳарбий техниканинг сўнгги колоннаси Юқори Ларс номли чегара пости ҳудудида Федерация сарҳадларини кесиб ўтди.

Россия Федерациясининг қуруқликдаги қўшинлари матбуот маркази бошлиғи Игорь Конашенковнинг таъкидлашича, унинг мамлакати бу борада ўз зиммасига олган мажбуриятларни бекаму кўст бажармоқда.

ЗИЛЗИЛА МАРКАЗИ ОКЕАНДА

ЯПОНИЯ шимоли-шарқида сешанба куни эрталаб кучли ер силкиниши қайд этилди.

Кунчиқар мамлакатда қўлланиладиган 7 балли шкала бўйича мазкур зилзила кучи 6,8 балл деб баҳоланди. Унинг маркази соҳилдан 20 километр ва Токиодан тахминан 300 километр нарида бўлганлиги эътироф этилмоқда. Хабарларга кўра, ушбу табиат офатдан камида 80 киши жабр кўрган. Улар орасида чет элликлар йўқ, деган маълумотлар бор. Зилзила маркази анча нарида бўлганлиги, хорижликлар эса, асосан мамлакат пойтахти ва шимолдаги Хоккайдо оролида жамлангани боис ҳам улар зарар кўрмаганлар, дея таъкидлашмоқда элчихоналар вакиллари.

РЕЖАГА МУВОФИҚ КЎЧИШМОҚДА

ИОРДАН дарёсининг ғарбий соҳилидаги Исроилнинг икки аҳоли пунктини кўчириш ишлари ниҳояланди.

ЦАХАЛ қўмондонлигининг расмий баёнотида Ганим ва Кадим номли бу икки қишлоқ аҳли эвакуацияси душанба куни кечқурун тўлиқ охирига етказилди. Режага кўра, ғарбий соҳилдан жами тўрт аҳоли пункти кўчириб кетилиши керак.

МЎЛЖАЛДАН ТЎРТ КУН ИЛГАРИ

ХИТОЙ ва Россия муносабатлари тарихида илк бор уюштирилаётган «Тинчлик миссияси — 2005» денгиз машқлари мўлжалдан олдинроқ бошлаб юборилди.

Расмий режага мувофиқ мазкур машқлар 18 августдан бошланиши керак эди. Бироқ 14 августдаёқ Россия кемалари ҳарбий сузиш усулларини машқ қилган ҳолда, 15 августдан Лантай соҳилига ўқув десантини тушира бошлади.

ЎЗБЕКИСТОН ФОНД БОЗОРЛАРИ

"Ўзбекистонда фонд бозори инфратузилмасининг равнақи мени ҳайратга солди. Шунингдек, бу мамлакат ўнлаб компания ва муассасаларга, акция ва облигация бозорларига эгалигидан ҳайратдаман.

Умуман, мазкур механизм ишламоқда ва халқаро фонд бозорларида амалда бўлган воситалардан фойдаланмоқда", — деди "Ansher Capital" инвестиция-консалтинг компаниясининг хорижий консультанти Арати Шроф пойтахтимиздаги "Grand Mir" меҳмонхонасида ўтказилган инвестиция институтлари миллий уюшмаси клуби йиғилишида.

Тадбирда "Lehman Brothers" халқаро инвестиция банкида кўп йиллик амалий тажрибага эга Арати Шроф "Ўзбекистонда инвестмент бэнкинг истиқболлари" мавзуида маъруза қилди.

Йиғилишда Арати Шрофнинг маърузаси ўзбек фонд бозорларининг фаол ташкилотчилари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Бундан ташқари, Euromoney Institutional Investor Plc. молиявий нашрининг 2005 йил учун халқаро совринини қўлга киритган ғолиблар эълон қилинди. Унга кўра, "Асака" банки "Ўзбекистонда энг яхши банк" номинацияси бўйича ғолиб деб топилган бўлса, "Ansher Capital" "Марказий Осиёда энг яхши инвестицион банк" деб эътироф этилди.



ҲАМ ҚУВОНАСАН, ҲАМ РАНЖИЙСАН

Халқимизда «Ўз қадрини билмаган ўзганинг қадрига етмайди» деган ибора бор. Ўзини ҳурмат қиладиган одам табиатга ҳам беписанд бўлмаслиги керак

Мен дунёнинг кўп оромгоҳларида бўлдим: Карпат тоғлари бағридаги «Трусковец», Қора денгиз бўйларидаги «Сочи», «Ялта», «Севан кўли соҳиллари»... Собиқ тузум даврида «Мен фалон, писмадон жойларда бўлганман», дея мақтанишлар одат тусига кириб қолганди. Аслида дам олиш, даволаниш моҳияти қандай кечарди? Оромгоҳларга жўнаш тайёргарлиги ва қайтиш тадориги давомида белгиланган муддатнинг анча қисми ўтар, асосий мақсад — чин маънода шифо топиш бир чеккада қоларди. Энг муҳими, борган жойингиз об-ҳавоси, шароитига мослашишга улгурмай туриб муддат тугар, кўп ҳолларда бирор дардга чалиниб қайтардик. Шундай ҳолларни айнан ўзим бошимдан кечирганман. Еримизга оёғим тегиши, ғўзал Тошкентимизга кўзимиз тушиши ҳамоно орзиқиб енгил нафас олардик. Чунки, азиз бу жойлар бутун борлиғимиз, жону танимизга сингиб кетган жонажон Ўзбекистон эди. Афсуски, то мустақил бўлгунимизга қадар унинг дунёнинг ҳеч бир жойида топилмайдиган бебаҳо муҳити, жаннатмакон оромгоҳларини, ҳақиқий шифобахш гўшаларини менсимасдик. Шунинг учун барча дардларга даво берувчи сўлим масканлар қаровсиз, оёқости қилинган ҳолда эди. Умумий кўриниш шунга яқин бўлсада, ўз жойларини том маънода севган, олис истиқболни кўзлаган ҳолда уни ҳақиқий жаннатмаконга айлантириш учун бутун умрини сарфлаб келган юрт фидойилари ҳам кўп эди орамизда.

Раҳматилла Саъдуллаев Тошкент медицина институтини битириб, ўттиз уч йил аввал «Хумсон» сиҳатгоҳига келганида бу маскан оддий чакалакзор ва ташландиқ жойлардан иборат эди. Қалби орзу-ҳаваслари тўла йигит вақт ўтиши давомида ўз вазифасини бажариб қолмай, жаҳондаги номдор оромгоҳларни ўрганди, имкон қадар бориб ҳам кўрди. Ниҳоят кўнглида ажойиб режалар туғилди: «табиий шароити аъло ўзимизнинг «Хумсон»ни дунёдаги энг зўр сиҳатгоҳлар қаторига олиб чиқиш нима учун мумкин эмас?» Саъдуллаевнинг таклифлари, интилувчан ва изланувчанлигини «Хумсон» жамоаси, қолаверса, юқори ташкилотлар тўғри тушуниб, раҳбарлик вазифасини унга топширдилар. Мана, салкам ўттиз йил давомида бош шифокор аҳил жамоага суянган ҳолда кўнглидаги режаларни биринкетин рўёбга чиқармоқда. Санаторийга ортиқча таъриф-тавсиф бериб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бунга исбот ёз мавсумларида йўлланма учун қанчалар югур-югурларнинг ўзи кифоя.

Хўш, кеч куз, қиш ёки эрта баҳор фаслларида-чи?.. Бундай савол кўндаланг бўлганда камгап бош шифокор: «Бизга боғлиқ эмаслигини ўзингиз яхши биласиз-ку», дейди қисқа қилиб. Ҳа, бунинг асосий сабаби кўпчиликка аён. Биргина «Хумсон» санаторийси эмас, бутун бошли Бўстонлиқ тумани етарли миқдорда табиий газ келишини анча йилларидан бери кутмоқда. Бундан ўттиз икки йил аввал туманга табиий газ олиб келинганида Бўстонликнинг катта истиқболи эътиборга олинмаган экан. Ҳозирги шароитда, айниқса, Ватанимиз мустақил бўлгач, сўлим бу гўшанинг нуфузи ниҳоятда ошиб кетди. Президентимизнинг назари тушган Бўстонлиқ ҳар соҳада жадал тараққиёт йўлидан бормоқда. Эндиликда шифобахш хусусияти жиҳатидан кичик бу водий ҳатто жаҳонга юз тутмоқда. Бу ерда қурилган равон йўллар, бири-биридан кўркам кошоналар ҳар қандай инсоннинг бахри-дилини яйратиб юборади. Осмонўпар тоғлардан шарқираб сочилаётган зилол булоқлар, ғўзал шаршаралар, айқириб оқаётган дарёлар!.. Буларнинг бари Бўстонликда мужассам. Оллоҳнинг ушбу бебаҳо неъматлари диёримиз аҳли учун борган сайин кўпроқ ва яхшироқ хизмат қиляпти. Айниқса, кейинги йилларда бу ерда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. «Бўстонликни чин маънода бўстонга айлантирайлик!» дея халққа мурожаат айлаган туман ҳокимлигининг даъвати беиз қолмади. Аввалларидаги Бўстонлиқ билан ҳозиргиси орасида таъриф-лаб бўлмас даражада фарқ юзага келди...

Қанчалар таъриф-ламайлик кўнгиллардаги бир армонни очиқ айтмасликка ҳеч ҳаққимиз йўқ. Бу, албатта, юқорида эслатганимиздек, табиий газ муаммоси. Биргина «Хумсон» сиҳатгоҳи мисолида кўрадиган бўлсак, агар табиий газ ушбу масканга етиб келса, оромгоҳ имконияти камида икки баробар ортар эди. «Хумсон»га йўлланмаларни фақат ёз мавсумида талашиб оладилар. Сабаби битта: табиий ҳовузлар ва айқириб оқаётган Ўгам дарёси жозибаси ҳаммани чорлайди. Анча йил аввал қурила бошлаган қишки ҳовузнинг битиши эса асосан табиий газга боғлиқ бўлиб турибди. Агар қишки ҳовуз ишга тушиб, унда шифобахш зилол сув жилоланиб турганда эди, тўрт фаслда ҳам бу оромгоҳ бағри ўз мижозларидан бўшамасди. Биргина бу оромгоҳ эмас, табиий газ шарофати туфайли бутун Бўстонлиқ бағри янаям яшнаб кетарди. Юзлаб оромгоҳлар, кичик ва қўшма корхоналар бунёд этиш имкониятлари туғиларди. Бу дегани — Бўстонлиқ оромгоҳларидан нафақат ўз юртимиз аҳли, бутун дунё халқлари манфаатдор бўлар эдилар. Буни, албатта, табиий газ мутасаддилари ҳар томонлама чуқур ўйлаб кўришлари ва Бўстонлиққа бу масалада имкон борича ёрдам қўлини чўзишлари лозим.

Шу ўринда «Хумсон» оромгоҳида, умуман олганда диёримизнинг барча оромгоҳларида айрим диди паст дам олувчиларга икки оғиз гапимиз бор. Юксак маданият, нозик дид билан дам олиб, ҳавас қилгулик даражада ўзини тутишларига қачон ўрганамиз? Масалан, «Хумсон» сиҳатгоҳи ҳудудида ахлат ташлаш идишлари ҳамма жойда бор. Шунга қарамай, қайси сўлим жойда давра қурсак: атрофимизни ташландиқларга тўлдириб кетаверамиз. Қовун-тарвуз пўчоқлари, турли қоғоз ва шиша идишлари... Болаларимизнинг ота-оналари, буви-боболари бағрида яйрагани яхши, аммо, уларни тергаб, тартиб сақлашни унутмайлик-да! Чиройли ором курсиларни бузиб, дераза ойналарни синдириб, гул ва гулзорларни пайҳон қилиб юрган «ширинтой»ларни кўрган ҳар бир дам олувчининг асаби бузилиши аниқ.

Булар қонуний сиҳатгоҳлар ичидаги гаплар. Энди ташқаридаги юзлаб «ишбилармон оромгоҳ»ларнинг қилмишларидан бир шингил эшитинг. Масалан, Бўстонликда қаерда сўлим жой, оқар дарё ва дарёчалар борки, бошдан-оёқ катта-кичик хонаки «оромгоҳ»лар пайдо бўлган. Улар йил сайин кўпайиб бормоқда. Биргина Ўгам дарёси соҳиллари бўйлаб тизилиб кетган бундай ноқонуний жойлар бутун ёз мавсуми давомида оқар сувни кечаю кундуз ўзлуксиз булғайверади. Кўнгилочар бу жойларда узун-қисқа вақт давомида «дам олувчилар» барча чиқиндиларни дарёга бетўхтов улоқтираверадилар. Ахлатлар Ўгамдан Чирчиққа, бу дарё орқали тўппа-тўғри Тошкентга етиб бораётганини улар бир ўйлаб кўрганмиканлар? «Осмонга тупурсанг, тупугинг қайтиб юзингга тушади!» деганлари айни шу бўлса керак! Бунақа «оромгоҳ»ларнинг тинимсиз кўпайиб бораётганига қараганда уларни тартибга солувчи, тийиб қўювчи ташкилотлар ё йўқ, ёки улар ўз фаолиятларини қониқарли бажармаяптилар.

Ушбу муаммони ҳал этиш масаласининг бир учи яна табиий газга бориб тақалади. Бўстонликнинг юқори ҳудудлари, хусусан, «Хумсон» оромгоҳи табиий газ билан таъминланиб, бу борадаги қусурлардан ҳоли этилгандагина, ҳар хил ўзбошимчаликлар ўз-ўзидан барҳам топарди.

Асад АСИЛ, ёзувчи.

ГЕНОФОНДНИ САҚЛАШ УЧУН

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси 2007 йил охиригача "Она ва бола скрининги" дастури бўйича 6,736 миллион доллар сарфлашни режалаштирган .

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ўнта скрининг маркази фаолият кўрсатмоқда. Шундан тўққизтаси республикамизнинг турли ҳудудларида жойлашган бўлиб, уларда ҳомиладор аёллар ва оналик бахтига муяссар бўлганлар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

— Бу даргоҳларда миллатнинг генофондини асраш учун барча шарт-шароитлар яратилган, — деди республика скрининг маркази директори Мадина Шарипова. — "Она ва бола скрининги" дастури болалардаги туғма ақлий етишмовчиликни аниқлаш ва уни даволашга, шунингдек, ҳомиладор аёллардаги ҳомиланинг нотўғри ривожланишини олдини олишга йўналтирилгандир. Она ва бола танасидаги хасталикларни ўз вақтида аниқлаш даволаш тадбирларини самарали ўтказишга ёрдам беради.

Скрининг марказларида 2003 йилдан буён 78 минг ҳомиладор аёлга ташхис қўйилди. "Она ва бола скрининги" дастурининг биринчи босқичи аввалида 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорида асбоб-ускуна харид қилинган бўлса, жорий йилда 184 минг АҚШ долларилик ташхис ускуналари олинди.

Ҳусан СУЛАЙМОНОВ, «Туркистон-пресс».

Ўйлаб топилмаган ҳикоялар

ҲАЁТ ЎЗИ БИР СИНОВ

Ёзувчи Ҳабиб Нуъмон умри газета таҳририятида ўтган иқтидорли ижодкор, ажойиб инсон эди.
Қишлоғимизнинг биринчи ўқитувчиларидан Абдураҳмон қори Алимовга куёв бўлгани боис, гоҳи-гоҳи биз томонларга келиб қолсалар, чекка-чеккада туриб, катталар билан суҳбатларини жон қулоқларимиз билан тинглардик.
Кейинчалик, «Ота» романини ёзиб тугатаётган йиллари гоҳ уйларида, гоҳ Далигузар чойхонасида узоқ-узоқ суҳбатлашардик.

ДИД ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Бўз йигитлик йилларимиз эди. Ёзувчи Ҳабиб Нуъмон қишлоғимиздан ер олипти, уй қуриб, кўчиб келармиш, деган гап тарқалди. Раиснинг ўзи бош бўлиб, жой танлашипти. Ер ўлчовчи Ҳакимжон шундоққина гузар яқинидан кўрсатган майдон у кишига ёқмапти. Катта олмазор боғга туташувчи участкани таклиф қилишса, Ҳабиб Нуъмон узоқ вақт тин олиб қолипти. Раиснинг чап мўйлаби лип-лип уча бошлапти, Ҳакимжонга қараб бир қош чимирган экан, у:

— Келинг, поччажон, мана шу ерни ўлчаб бераколай, — дея олмазор билан токзор туташган, ёнбошидан бир тегирмон сув оқадиган жойга бошлаб борипти.

Ёзувчиси тушмагур у ёқ бу ёққа қарапти, индамасдан анҳор бўйлаб кетипти. Ҳакимжон ҳайрон, раис тажанг бўлиб, у кишига эргашишипти. Ҳадемай қишлоқдан чиқиб, тепаликлар оралаб кетишипти. Анҳор хирмонтепани айланиб ўтадиган чакалакзор бошланипти. Шу жойда Ҳабиб Нуъмон тўхтапти, ён-атрофни айланиб, тепадан қирқэллик метр пастга тушипти-да, гузар томонга тикилганича тўхтапти.

— Боғ ёнидан ўтган йўл шу томонларга келса керак? — сўрапти Ҳакимжондан.

— Ҳа, почча, генпланда қишлоқ ҳув анави Хўжатўғонгача кенгайиши кўзда тутилган.

— Бўлмаса, шу жойни ўлчаб беринг.

— Ҳабибжон, бу чангалзорни рисолага келтиргунча суробингиз тўғри бўлади-ку?!

— Буёғи — пенсия, Муслимжон.., — депти Ҳабиб Нуъмон қуюқ қошларини ўнг қўл бармоқлари билан силаганича.

Раис боғдан участка ўлчаб берса, олмай, чангалзор тепа ёнбошидан жой олган ёзувчининг «қилиғи» Далигузар чойхонасида кўп гурунгларга бош мавзу бўлиб юрди. Бу орада Ҳабиб Нуъмон ҳовли-жойини текислаб, иморат қуришни бошлаб юбордилар. Уч-тўрт йил ўтиб, уйлар битгач, қишлоқ одамларини тўйга чорлаб юртга ош бердилар. Кўп қатори тўйга раис ҳам келдилар. У киши ҳовлига кириб, кўзларига ишонмай қолдилар: кираверишда қатор олча-гилос, ҳовли бўйлаб ток новдалари чирмашган сўри. То анҳорга боргунча икки ёни оқ-қизил гул йўлак. Юқорида, анҳор устида баҳаво шийпон...

— Ўлманг-э, — депти раис, — Сизни фақат ёзувчи деб юрардик, ҳам меъмор, ҳам боғбон, ҳам гулчи экансиз-ку?

— Шуларга дид-фаросати етмаган киши ёзувчи бўлармиди, Муслимжон...

ЎРТАНИБ ЎТГАН УМР

Эшонгузар қишлоғи пайдо бўлиб, бунақанги тўйни кўрмаган экан. Абдураҳмон қори аканинг қизи Маҳсумахон билан Тошкентнинг Сузук ота маҳалласида ўсиб-улғайган Ҳабиб қорининг тўйлари янгича ўтаётган, базм авжи қизигандан қизиб бораётган бир пайт хирмонда қуритилаётган пахта ёниб кетипти. Қий-чув бошланипти, ҳамма тўзиб кетипти.

Йиллар ўтиб, Ҳабиб Нуъмон пенсияга чиққач, қишлоқда ҳовли-жой қилди. Анҳор устига айвон қуриб, тонгги шабада эсиб турган кезлари ёза-ёза «Ота» романини тугатди. Шундай тонгларнинг бири, ҳали қуёш кўтарилмаган эди. Энди иш бошлаган ёзувчининг кўзи анҳорнинг у бетида, жиғил туплари ёнида мўралаб ўтирган одамга кўзи тушиб қолди. Кекса бир чол, гоҳ-гоҳ чойхонада кўриниб қолади. Ҳабиб Нуъмон дафтар-қоғозни суриб қўйиб, қарияни айвонга таклиф қилипти.

— Узр, — депти чол. — Неча кунки бир гап айтишга чоғланиб пайт пойлайман, қалам-қоғоздан бош кўтармайсиз...

— Бу томонга ўтинг, ота, — депти қори ака. — Гурунглашамиз. Ҳозир чой келади.

— Йўқ, йўқ, — депти чол чангалзор ичкарисига тисарилиб. — Фақат бир оғиз...

Ҳабиб Нуъмон айвон панжарасидан ошиб, тепа томонга ўтипти:

— Хўш, ота, нима гап? Тинчликми?

— Интиқлик жонимни олаяпти, ука, — депти қария. — Охир куним келди, лекин ўла олмаяпман... Бир оғиз сўзинг, ука... Мен жоҳилни кечир...

Чолнинг мижжаларидан ёш оқиб тушаётганини кўриб, Ҳабиб Нуъмон ўзини йўқотиб қўйипти:

— Отажон, қўйинг, ўзингизни қийнаманг.

— Кечира олсанг, узримни қабул эт, укажон...

— Қандай узр? Нималар деяпсиз?

— Пахтани мен ёқиб юборгандим, тўйингни тўполонга айлантирган мен эдим, ука... Мана ўттиз йилки, виждоним азобда, сени ҳар кўрганимда, уят, номусдан минг ўлиб, бир тириламан.

Қариянинг вужуди титрар, кўз ёшларидан сийрак соқоллари бири-бирига ёпишиб қолганди. Бу ҳолат Ҳабиб Нуъмонни эзиб юборди, оҳиста:

— Мен кечирдим, ота, Аллоҳ ҳам кечирсин, — дея олди.

Ҳовли томондан оёқ шарпаси эшитилди. Чол тепа ортига илдам ўтиб кетди. Ҳабиб Нуъмон айвонга ўтди ҳамки, чойнак-пиёла кўтарган Маҳсума опа пайдо бўлди.

... Эртаси бомдод намозида Эшонгузар масжидида қарияга жаноза ўқилди.

МАҲАЛЛАДА ҚОВУН САЙЛИ

Гоҳи-гоҳида газета таҳририятидан бир-икки киши машинада келиб қоларди:

— Қани, қори ака, кетдик. Қаҳрамонларингиз соғинишипти.

Шу куни Сирдарё ёки Фарғона томонларга айланиб кетишарди. Бундай сафарлардан кейин Ҳабиб Нуъмон Далигузар чойхонасида, азим чинорлар соясида ўтириб, Очил ака, Зокирқори акаларга кўрганларини гапириб ўтирарди.

Шундай кунларнинг бирида, кечки пайт чойхонадан қайтиб келса, эшик олди тўла қовун-тарвуз. Ўғли беш-ўнтасини ҳовлига ташиб ҳам қўйипти.

— Бу қовун-тарвузлар қаердан? Ким тушириб кетди?

— Танимадик, — депти ўғли. — Икки киши туширib кетди. Жиззахдан бўламиз, дейишди, холос. Қори акага салом денг, деб тайинлашди.

— Қани, буёққа кел-чи, — депти Ҳабиб Нуъмон. — Мана бу қовун-тарвузларни Насриддин домланинг уйига олиб бор.

Ўзи шу атрофда ўйнаб юрган болаларни бир-бир чақириб, қовун-тарвузларни уйма-ўй тарқата бошлабди. Маҳаллада бамисоли қовун сайли бошланипти. Болалар бир зумда бир машина қовун-тарвузни ташиб кетишипти.

— Кеча киритган қовунинг чўл-пўлдан келганми, бирам ширин экан, қори, каттаю кичик дуо қилдик, — депти эртасига чойхонада Зокирқори ака.

— Эккан тегсин дуоларингиз, — депти Ҳабиб Нуъмон хотиржам.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

Шеърият

ДИЁР ИЛҲОМЛАРИ

Ҳаёт гули, у баҳор гули,
Тинчлик кўрки, у Ватан қадри,
Ватан қадри ўзлик нур йўли,
Эл бурчи у, жону тан қадри,
Дунё кенгдир, яшаб эл мардум,
Ўтмишини олар ёдига,
Эл иши у касбим, дил орзум,
Боғбониман тинч ҳаётига.

МИРОБ

Мироб тонгда даштга йўл олур,
Ўтар йўлдан мавж уриб анҳор,
Ғунча ўсган, мироб гул олур,
Дер томчида ҳаёт меҳрим бор.
Мамнун қарар ғунча, гиёҳга,
Сув етаклаб дашту саҳрога,
Мироб борар жўшқин йўлларда,
Ўзин кўрар чаман гулларда.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ёдимдадир ёзган илк шеърим,
Йўл бошлаган қаламим, меҳрим,
Наво бўлган ёниқ дил сўзим,
Унут бўлмас, у «Тонг юлдузим».
Унинг билан ўтдим олис йўл,
Баҳор бўлиб, тутди нафис гул,
Ман йўлдаман, кўрган оламим,
У табаррук азиз қаламим.

НАЗАРМАТ.

ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР

2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида таълим мазмуни ва сифатини янада юксалтириш, замонавий педагогик технологиялар ҳамда давлат таълим стандартларига мос янги дарсликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

Бу борада тиббий кўмакка муҳтож ўқувчилар учун ўқув адабиётлари яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда ёрдамчи ва махсус мактаблар учун «Ўқиш китоби», «Она тили», «Математика», «Ўқиш», «Алифбе» ҳамда «Тарих» каби фанлар бўйича дарсликлар босмадан чиқарилди.

ЎзА.

АЖОЙИБ, ЁҚИМТОЙ, ТЕЗКОР

2001 йил 17 августда «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида биринчи «Матиз» ишлаб чиқарилди. Агар ўша йил охиригача фақат 6 та автомобиль экспорт қилинган бўлса, 2002 йилда Ўзбекистондан ташқарида 5 мингта машина сотилди. Бугун Россия, Украина, Беларус, Қозоғистон, Молдова, Озарбайжон ва Тожикистон йўлларида 30 мингга яқин «Матиз» қатнамоқда. Асосийси – автомобилнинг экспорт салоҳияти ҳали жуда юқори.

Машинанинг номи қуйидаги сўзлар қисқартмасидир:
Marvel (ажойиб)
Attraction (ёқимтой)
Tiny (кичкина)
Infatuate (ҳайратланарли)
Zoom (тезкор)

Бу ном мазкур автомобилга жуда мос. Кичкина, аммо, ички кенг, арзон, аммо салобатли, замонавий ва айни пайтда бошқаруви осон, анчагина қувватли ва шу билан бирга тежамкор. Унинг ҳаракатчанлиги эса катта шаҳар шароитида жуда қўл келади.

– «Матиз» ишлаб чиқариш корхонани ривожлантиришнинг истиқболли режасида кўзда тутилган эди, – дейди «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси муҳандислик маҳсулоти бошқармаси менежери Усмонжон Исоқов. — 2001 йилда ишлаб чиқарилган машиналар «Матиз»ларнинг иккинчи авлоди бўлиб, двигатель ҳажми 0,8 литр эди. Вақт ўтган сари машина замонавийлаштирилди. 2004 йилда мутахассисларимиз «Матиз»га автоматлаштирилган бошқарув қутисини ўрнатишди. Бу эса автомобиль бошқарувини осонлаштирди ва двигателнинг тежамкорлигини оширди. Кейин эса двигатели ҳажми бир литр бўлган «Матиз»лар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу машинанинг қувватини 51 от кучидан 63 га етказиш имконини берди. Мижозларнинг истакларига қараб, ҳозир «Матиз»лар қўшимча қулайликлар билан жиҳозланмоқда (томида люк, сигнализация, CD-плейер, қуйма алюмин дисклар ва ҳоказо). Автомобилнинг ранги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мавжуд рангларга қўшимча тарзда 12 та янги ранг ишлаб чиқилди ва жорий этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳам ички, ҳам ташқи бозорда мазкур машинага талаб катта бўлишига сабаб бўлмоқда.

Саид ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.



Роса етилибди-да...
Еркебой БОТИРОВ сурат-лавҳаси.

Яхшидан ёд қолади...

ҚИШЛОҚНИНГ ВИЖДОНИ

«Одамлару одамлар! Эшитмадим демангглар! Бугун қишлоғимизда антиқа томоша бўлади. Э, ҳе-ҳе-ҳе». Жарчи Шермат бақироқнинг жарангли овози бутун қишлоқни тутиб кетган. Болакайлар жарчининг ортидан ялангоёқ чопганча, унга жўр бўлишарди. Қуёш тиккага келиб, тупроқ кўчалар тафти қизигандан қизиб ялангоёқ болакайларни янада илдамроқ югуришга мажбур этади.

Шермат жарчи қишлоқ гузарига етганда отнинг тизгинини тортиб, тўхтатди.

— Ҳа, Шерматвой, тинчликми, ўзи? — Эгнига ола чопон, бошига салла ўраб олган оппоқ узун соқоли ўзига ярашиб турган Мансур бобо салмоқланиб сўради.

Шермат жарчи узангидан оёқларини оҳиста чиқариб, отдан тушди. Қорабайирни етаклаб бориб йўл чеккасидаги симёғочга бойлади.

— Ассалому алайкум, Мансур бобо! Бардам-бақувватгина юрибсизми, Бола-чақа, невара-чевара деганларидек, ҳаммаси соғ-омонми?

— Шукр, ҳаммаси соғ-омон юришибди. Ўзим ҳам Яратганнинг марҳамати билан набираларим ардоғида қарилик гаштини суриб юрибман.

— Омон бўлинг, Мансур бобо, омон бўлинг. Сиз кабиларнинг дуолари билан юртимизда тинчлик, тўкин-сочинлик. Машойиҳлар «Қариси бор уйнинг париси бор» деб ҳўп айтишган. Энди Мансур бобо, бугун тушда қишлоқ гузарида ҳўп ажойиб томоша бўлади. Набираларни етаклаб, албатта, томошага тушинг. Ўзи ҳам антиқа томоша бўлади-да, — Шермат жарчи шоп мўйловини бураб, мийиғида кулиб қўйди.

— Шерматвой, бу ишинг яхши бўлибди. Албатта, набираларимни етаклаб тушганим бўлсин. Ҳўп савоб иш бўлибди-да.

— Ҳўп, майли, бобо, мен борай. Ҳали кўп маҳаллаларга жар солиб чиқишим керак. — Шермат жарчи шундай деди-ю, симёғочда бойлоқлик турган отини бўшатди...

Ўша куни тушдан кейин гузарга тумонат одам йиғилди. Ёз палласи эмасми, қуёш нури борлиқни қиздиргандан қиздирарди. Гузар атрофига экилган уч туп баҳайбат чинор дарахти қуёш тафтини қайтариб, салқин қилса, Қорақалпоқ анҳорининг эпкини йиғилганларга ором бағишларди. Томоша белгиланган вақтда бошланди. Одамларнинг ғала-ғовури тиниб, сув қуйгандек жимжитлик ҳукмрон. Чунки, даврага дорбозлар чиқиб, ўзларининг антиқа томошаларини бошлашганди. Чамаси беш-олти метр баландликка сим тортилган. Сим устида дорбоз йигитлар ўйин кўрсатишарди. Ҳаммадан ҳам саккиз ёшлар чамасидаги қизалоқ кўзларини рўмолча билан танғиб, сим устидан ўта бошлаганда давра сув қуйгандай жимжит бўлиб қолди.

— Эй, Худо, уни қаранглар, пиликдек симдан кўзини чирт юмиб ўтаётир-а. Ишқилиб бирор кор-ҳол юз бермасин-да, — ҳайратини яширолмади Мансур бобо.

— Оббо, Мансур бобо-е, қизалоқдан хавотирланаяпсиз чоғи. Ундан хавотир олманг. Бу қизалоқ равон йўлда қандай юрса, сим устида ҳам шундай бемалол юришга ўрганган, — деди Шермат жарчи билағонлик қилиб.

Гузарга йиғилган оломон қизалоқнинг симга оёқ қўйиб ўтишини юрак ҳовучлаганча жимгина томоша қилишарди. Ҳамманинг кўзи бир нуқтага қадалганди. Қизалоқ симни босиб ўтгачгина даврада ғалағовур, жонланиш пайдо бўлди.

— Э, қойил-э, мана буни мардлик деса бўлади. Қиз эмас шайтоннинг ўзгинаси экан, — деган ҳайқириқлар эшитилиб, гулдурос қарсаклар янгради. Шундан кейин даврага атлас кўйлак кийдирилган, бошига қизил рўмолча танғиб қўйилган айиқполвон умбалоқ ошиб кириб келганда оломоннинг шовқин-суроні яна тиниб қолди.

— Бугунги томошамизга Қодир айиқ ўргатувчи қўнғир айиқчаси билан ташриф буюрган. У айиқчаси билан нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам машҳурдир, — даврақашнинг ҳайқириғи янгради.

Қодир айиқ ўргатувчи қўлидаги чилдирмасини чала бошлади. Доирадан чиқаётган садога қўнғир айиқча гир-гир айланиб, рақсга тушарди. Йиғилганлар эса уни гулдурос қарсаклар билан олқишлашарди. Рақс тугагач, Қодир айиқ ўргатувчи думалоқ ҳалқачани олди-да, «алей-оп» дея ишора қилди.

Қўнғир айиқча қандай ҳунар кўрсатишни фаҳмлади чоғи, лопиллаб югурганча ҳалқача орасидан сакраб ўтди. Бугунги антиқа томошадан завқланган қишлоқ одамлари қарсак устига қарсак чалиб, қўнғир айиқчани олқишлашарди...

Кунлар ўтди, ойлар, йиллар ўтди. Кўҳна Кавардон қишлоғи сон-саноқсиз тўй-томошаларнинг гувоҳи бўлди. Дарё бўйидаги қишлоқ қабристонига не-не одамар дафн қилинмади, дейсиз. Қишлоқда бўладиган яхши ва ёмон кунлардан ҳамиша одамларни огоҳ этувчи Шермат жарчи оламдан кўз юмди.

Ўша куни ориятли ва қишлоқ виждонига айланиб улгурган Шермат жарчининг жанозасига ҳеч ким жар солмаса-да, тумонат йиғилди. Ҳамма кўзида ёш билан тобутни дарё яқинидаги қабристонга қўлма-қўл кўтариб борди. Жарчининг жасади лаҳадга қўйилиб, тупроқ тортиб бўлингач, ҳозиргина чарақлаб, ҳамма ерга бирдек нур таратаётган қуёш юзини қора булут қоплаб, момақалдироқ гумбурлай бошлади. Олди одамлар қабристон дарвозасидан чиққанларида эса, шивалаб ёмғир ёғиб юборди. Қабристондан қайтаётган одамлар ёзнинг айни чилласида ёмғир ёғишини кутмаганди. Кимдир буни табиатнинг инжиқлиги деса, атрофдан Шермат жарчи вафотига осмон ҳам аза очди, деган шивир-шивирлар эшитилди.

Ҳозир қишлоқ қабристонида Шермат жарчининг мўъжазгина қабри бор. Ҳар йили баҳор фаслида унинг қабри устида бир дона қирмизи лолақизғалдоқ очилади. Бу лолақизғалдоқ одамларнинг яхши-ёмон кунларида камарбаста бўлган оддийгина жарчидан элчи бўлиб келгандек, ял-ял товланади.

Латифжон МАНСУРОВ.

Шундан кейин

СУНЪИЙ ТЕРИ ҲАМ ТАЙЁР

Япониялик олимлар сунъий тери кашф этдилар.

У босимни ва ҳарорат ўзгаришини яхши ҳис қилади, истиқболда эса, ёруғлик, ультратовуш ва намликни сезадиган бўлади. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, уларнинг кашфиётини нафақат роботларга, балки инсонлар танасига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Бундай терини ишлаб чиқариш катта сарф-харажатлар талаб қилмайди.

КУЙДИРГИ АЛОМАТЛАРИ БИЛАН

Олтой ўлкасининг Чариш тумани ҳудудида куйдирги билан касалланганлиги тахмин қилинаётган икки киши шифохонага ётқизилди.

Ҳар икки бемор қорамол сўйиб, унинг гўштини майдалагач, терисида рўй берган ўзгаришлар туфайли, кўмак сўраб, тиббиёт муассасасига мурожаат қилган. Ҳозир уларнинг иккалови ҳам малакали мутахассислар кузатуви остида жиддий текширилмоқда. Бир неча кун ичида уларга ўзил-кесил ташхис қўйилади.

ЭҲТИЁТКОРЛИКНИ МАЪҚУЛ КЎРИШАЯПТИ

Америка авиакомпаниялари террорчи деб тахмин қилинаётган кимсаларга фамилиядош гўдакларни ҳам самолётлар бортига чиқаришдан бош тортмоқда.

Хусусан, исмлари хавфли йўловчилар рўйхатига киритилган шахслар номига ўхшаш бўлгани учун бир ёшли қизалоқ ва ўн бир ойлик болакайни ҳаво кемаларига чиқармаганликлари ҳақида маълумотлар бор. Ҳар қалай, мазкур компаниялар раҳбарияти кейин афсус чекканидан кўра, олдин эҳтиёткор бўлишни афзал билаяпти.

Тошкент шаҳар Ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш Бош бошқармаси томонидан 2003 йилда «Пайзуллаев» хусусий корхонасига берилган 6224853164 рақамли ер кадастри ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чилонзор туманидаги 66-махсус меҳнат таълими мактаби томонидан 2002 йилда Насриддинов Рахимжон Рахматджанович номига берилган 007641 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Бектемир туман ИИБ томонидан 2000 йилда «BOBUR-JAHON» savdo servis хусусий фирмасига берилган бурчак штампи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қибрай молия-иқтисодиёт коллежи томонидан 2005 йил 5 июлда Давлатов Давлат Тилапович номига берилган К 264486 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«SALVINI» МЧЖ корхонасининг низом жамғармаси 3121574,0 сўмдан 1600000 сўмга камайганлигини маълум қилади. Тел: 175-41-31.

Утерянный аттестат O'R-B 0087312, выданный в 2002 году школой № 263 Мирабадского района г. Ташкента на имя Копылова Владислава Алексеевича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный диплом № 023651 (рег. № 71) выданный Ташкентским медицинским колледжом им. Ахунбабаева в 1994 году на имя Беликовой Алле Викторовне, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-745. Адади 2684. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.*

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.* *Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.00. 2 3 4 5 6